

Татаристонда брайл алифбосида Қуръони каримнинг тафсири нашр этилади



17:04 / 03.01.2019 1920

2019 йилда Татаристон Республикасининг пойтахти Қозон шаҳрида Брайл алифбосида рус ва татар тилларида Қуръони каримнинг тафсири босилади. Бу ҳақда IQNA хабар беради.

Бу - “Ёрдам” хайрия вақфи томонидан “Ҳамма учун Қуръон” лойиҳаси доирасида олиб борилаётган хайрли ишларнинг давоми. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу вақф кўмагида Татаристондаги кўзи ожиз фуқаролар учун 3 мингта брайл алифбосида нашр этилган китоблар кутубхонларга беғараз тарқатилган.

Islom.uz портали таҳририяти